

## БЎЛАЖАК БИОЛОГИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛАНТИРИШ

Жўраева Озода Тоировна

Бухоро давлат университети Ботаника ва ўсимликлар физиологияси кафедраси  
ўқитувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7436526>

**Аннотация.** Мақолада мулоқот маданияти ва унинг аҳамияти ҳақида сўз юритилган. Ўқтувчи нутқининг равон ва маъноли бўлиши учун эътибор қилинши лозим бўлган вазиятлар ёритилиб, ички ҳис-туйгун тананинг фазодаги холати ҳамда турли хил ҳатти-ҳаракатларга қараб ҳам таҳлил қилиши усуллари баён қилинган.

**Калим сўзлар:** мулоқот, жестлар, суҳбатдош, мулоҳаза, мушоҳада, маданият, лидерлик.

## ФОРМИРОВАНИЕ КОММУНИКАТИВНОЙ КУЛЬТУРЫ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ БИОЛОГИИ

**Аннотация.** В статье говорится о культуре общения и ее значении. Выделены ситуации, которые необходимо учитывать, чтобы речь педагога была беглой и осмысленной, описаны приемы анализа внутреннего ощущения на основе положения тела в пространстве и различных форм поведения.

**Ключевые слова:** общение, жесты, собеседник, рефлексия, наблюдение, культура, лидерство.

## FORMATION OF THE COMMUNICATIVE CULTURE OF FUTURE BIOLOGY TEACHERS

**Abstract.** The article talks about the culture of communication and its significance. The situations that need to be taken into account in order for the teacher's speech to be fluent and meaningful are highlighted, techniques for analyzing internal sensations based on the position of the body in space and various forms of behavior are described.

**Keywords:** communication, gestures, interlocutor, reflection, observation, culture, leadership.

## КИРИШ

Кишилар чиройли, мазмундор нутқ масаласи билан жуда қадимдан қизиқиб келадилар. Қадимги Греция (Юнонистон) да ва Римда нутқ маданиятининг назарий асослари яратилди. Нутқ олдига қўйиладиган талаблар ишлаб чиқилди. Бунга қулдорлик тузумининг ривожланиши, қулдорлик демократияси сабаб бўлди. Бу даврда давлатнинг, савдо-сотиқнинг, суд ишларининг ниҳоятда тараққий этиши нотиқликни санъат даражасига қўтарди. Етук инсон бўлиш учун албатта, нотиқлик санъатини эгаллаш шарт қилиб қўйилади. Ана шу эҳтиёж туфайли нотиқлик назарияси яратилади. Унинг Цицерон, Демосфен, Квинтилиан, Аристотель каби назариётчилари этишиб чиқади. Эрамизнинг 335 йилида Аристотелнинг «Риторика»си яратилади. Унда нотиқ олдига қўйидагиларни вазифа қилиб қўяди [1-4]:

- Материални ҳар томонлама тайёрлаш;
- Материални жойлаштириш режасини белгилаш;
- Материални ўзлаштириш, нутқ қурилишини тўғрилаш;
- Нотиқнинг нутқ материалини ўрганиши;

- Материални сўз билан ифодалаш;
- Нутқни талафуз қилиш, яъни нутқ жараёни.

Бу талаблар ҳозир ҳам ўз кучини сақлаб келмоқда. Уша давр суд нотиқлигининг катта намояндаси Цицерон эди. У суд нотиқлигига юксак муваффақиятларга эришди, нотиқлик санъати назариясига улкан ҳисса қўши. Цицероннинг «Нотик ҳақида», «Нотик», «Брут» асарлари ҳозир ҳам маълум қимматга эгадир. Рим нотиқлик мактабининг яна бир буюк вакили Марк Фабий Квинтилиандир. У ўзининг «Нотик билими ҳақида» китобида билимдонликни нотиқлиknинг биринчи шарти қилиб қўяди. Квинтилиан нотиқликка доир билимни жуда ёшлидан ўргана бориш керак, дейди. Нутқниг тингловчи учун тушунарли бўлишига катта аҳамият беради. У «Сен шундай сўзлагинки, сени ҳар бир киши тушуна олсин»,— деган эди. Хуллас, қадимги Юнонистон ва Римда маданий нутқ, нотиқлик назарияси ривожлантирилади. Бу назария кейинчалик Оврупода нутқ маданиятига бағишиланган фаннинг майдонга келишига асос бўлди [5-9]. Шарқда, жумладан, Мовароуннахрда бадиий, илмий ижоднинг тараққиёти билан, шунингдек, ваъзхонлик, «Қуръон»ни тарғиб қилиш билан муштарак ҳолда сўзнинг аҳамияти, маъноси ва ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш борасида қадимдан кўп яхши фикрлар айтилган. Ваъзхонликнинг, балоғат (чечанлик, нотиқлик) санъатининг ўсуви билан нутқ олдига қўйилган талаблар мукаммаллашиб борди. Буюк алломалар Абу Райхон Беруний, Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Маҳмуд Қошғарий, Замаҳшарий, Абу Яъқуб Саккокий тилга, лугатга, грамматика ва мантиқшуносликка бағишиланган асарлар ёздилар ёки бошқа соҳаларга доир асарларида бу мавзуга алоқадор фикрлар билдирилар.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Бўлажак ўқитувчи ўз нутқини такомиллаштириши учун таълим ва тарбияжараёнида қўйидаги йўналишларга доимий амал қилиб бориши лозим:

- ўзбек адабий тили қонуниятлари ва нормаларини мукаммал билиши;
- ўз-ўзини ва нутқий фаолиятини мунтазам назорат қилиши;
- ўзининг нутқий маданиятини доимий ривожлантириб бориши;
- нутқий мулоқотнинг барча ҳолатларида адабий нутқ коидаларини эгаллаш учун ўзига шароити яратиши.

Ўз-ўзини назорат ва ифодали нутқ малакаларини ривожлантириш учун ўқитувчи ўз нутқий фаолиятини кузатиши, у жонли, хилма-хил, ҳиссий бу - ёқлими ёки бир хил монотонлими, билиб бориши лозим [10-13].

Нутқингизни тайёрлаш ва машқ қилиш жараёнида ўзингиз мустақил равища қўйидаги саволларга жавоб топинг:

Тингловчиларда қандай фикр уйғотмоқчиман?

Аудиторияда ижобий муҳитни қандай кайфият асосида яратмоқчиман? Нутқ мазмуни ва шароити қандай интонация ва ритмни талаб этади?

Ҳар қандай таълим-тарбиявий машғулот олдидан бир неча бор ўз нутқингизни ёзиб олиб (аудиодиск, диктофон) тингланг ва хатоларингизни тузатишга ҳаракат қилинг, нутқингизни қайтариб машқ қилинг. Нутқингизни ранг-баранг бадиий-адабий сўзлар билан бойитинг. Ўз таассуротларингизни қўшган ҳолда бойитиб, тўлдириб боринг. Ўқитувчи нутқининг мукаммаллиги, тозалиги, таъсирчанлиги билан талабалар

эътиборини жалб қиласи, улар қалбига йўл топади, ҳеч қандай қийинчиликсиз касбий педагогик фаоли ятида дуч келадиган барча зиддиятларни бартараф этади. Натижада ўқитувчипедагик фаолиятда асло толикмайди, асаб тизими доимо соғлом бўлади [14-17].

Инсоннинг ривожланишини, ижтимоийлашишини, индивидни шахс бўлиб шаклланишини, унинг жамият билан бўлган алоқасини мулоқотсиз асло тасаввур этиб бўлмайди. Мулоқот ҳам ўзига хос эҳтиёж. Польшалик психолог Е.Мелибруда айтганидек, шахсларо муносабатлар биз учун хаводек аҳамиятга эгадир. Гўдаклик ва ўсмирилик даврларида мулоқот етакчи фаолиятга, яъни янги психологик хусусиятларнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатувчи фаолият сифатида гавдаланади.

Мулоқот-одамлар ўртасида биргалиқдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулоқот (муносабат) биргалиқда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошлишни ўз ичига олади. Бунда муносабатнинг коммуникатив жиҳати ҳисобга олинади. Кишилар муносабатга киришишда аввало тилга мурожаат қиласидар. Мулоқотнинг яна бир жиҳати муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргалиқдаги ҳаракати-нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар билан ҳам айирбошлишдан иборат [18-20].

Масалан, муносабатга киришар эканмиз, у бизни қониқтирса имо-ишора билан мулоқотда бўламиз. Муносабатнинг кейинги жиҳати мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишлариидир. Масалан, биз бир киши билан мулоқотга киришишдан аввал уни ҳурмат қилиб ёки менсимасдан муносабатда бўламиз. Демак, мулоқот жараёнида коммуникатив (ахборот узатиш), интерактив (ўзаро биргалиқда ҳаракат қилиш) ва перцептив (ўзаро биргалиқда) идрок этиш амалга оширилади.

Мулоқот қонуниятларини билиш ҳамда уни ўрнатиш малакалари ва қобилияtlарини ривожлантириш ҳар бир киши учун муҳимдир. Ҳар бир кишининг ўз «Мени» атрофдагилар билан бўладиган мулоқот жараёнида шаклланади, шахснинг ҳёт йўллари аввал оиласда, боғча, мактаб, институт, ишхона, кексалар орасида, яъни гуруҳ ва жамоаларда ривожланади. Бизнинг юксак маънавий эҳтиёжларимиздан бири - бу мулоқотга бўлган эҳтиёждир. Мулоқотга бўлган эҳтиёжимиз қондирилмаса, онгимиз ҳам ривожланмайди. Шунинг учун биз доимо мулоқотга бўлган эҳтиёжларимизни қондиришимиз лозим. Кимлар биландир бўлган мулоқотдан қониқиш ҳосил қиласиз, лекин айрим ҳолларда эса биз қониқмасликни ҳис қиласиз.

Мулоқот – бу инсонларнинг ҳамкорлиқдаги фаолиятига бўлган эҳтиёжи бўлиб, муносабатлар, ўзаро таъсирлар, маълумот ҳамда ахборот алмашишга доир уларнинг биргалиқдаги фаолиятидир.

Шахс мулоқотини шакллантиришда унинг ёши, жинси, касби, дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш лозим. Масалан, биз кичик ёшдаги болаларга катталарга нисбатан қўллайдиган сўзларни ишлатмаймиз. Ҳар бир ёш даврига кирадиган кишиларга ўзига хос сўзлар қўлланилади. Бунда сўзнинг таъсир кучи ҳисобга олинади. Шахсни темперамент хусусиятларига қараб мулоқот усулларини қўллаш катта аҳамиятга эга. Шахсда кўнукма, билим, малакаларнинг ҳосил бўлишида мулоқотнинг ўрни бекиёс. Оддий кўнукма («тўғри ўтири, қўлингни юв, жойингга бор, салом бер») ларни ҳам мулоқот орқали сингдирилади.

Шахс мулоқотини шаклланишида унинг тарбияланганлик даражаси муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, шахсга кучли таъсир этадиган сўзларни қўлласангиз ҳам у қабул

қилмаслиги, сизнинг берган қўрсатмаларингизга амал қилмаслиги мумкин. Чунки у ёшлигидан муомала маданиятини эгаллаши керак. Мулоқотнинг шаклланишида мақсад тўғри қўйилиши лозим. Мулоқот таълим-тарбия жараёнида, турли вазиятларда ривожланади. Масалан, оиласда, маҳаллада, жамоада, гурухда. Агар оиласда катталар бир-бирларига қўпол муносабатда бўлсалар, бола ҳам уларга тақлид қилиб атрофдагилар билан низоларга бориши мумкин.



Демак, мулоқот биргаликдаги ҳаракат эктиёжларидан келиб чикадиган, алоқа алмашиш, бир - бирига таъсир этиш, бошқаларни тушиниш, одамлар ўртасида контакт ўрнатиш ва ривожлантириш жараёни.

Мулоқот ҳаёт кечиришнинг бир шаклидир. Мулоқотнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати ва коммуникатив жиҳатдан ташқарида унинг перцептив жиҳати муносабат иштирокчиларининг унинг жараёнида амалга ошириладиган ўзаро идрок этиш юзага келади.

Мулоқот – таълим олувчи психологик ва ижтимоий ривожининг муҳим омилларидан бири бўлиб, биргаликдаги фаолиятда умумий натижаларга эришиш, шахслараро муносабатларни йўлга қўйиш ва қўллаб-қувватлаш мақсадида икки ёки ундан ортиқ кишиларнинг ўзаро ҳаракати.

Ҳар қандай сұхбат биринчи навбатда маълумотлар алмашинувиdir. Сұхбат жамоат жойларида ёки кўчада бўлса бошқаларни ўзига жалб қилмаган ҳолда овоз оҳангини пастлатиш лозим. Тез ёки ҳаддан ташқари чўзилиб гапириш ҳам маълумотни ўзлаштиришга халақит беради. Кам муомалада бўлган, яхши танимайдиган инсонлар билан мулоқатда бўлишда ҳаммага тушунарли бўлган енгил мавзу танлаб олинади. Масалан, футбол, сериаллар, телекўрсатувлар в.ҳ.к. ҳеч қачон оиласвий муаммолар, шахсий ҳаётдаги келишмовчиликлар, ўзи тушунмаган ва маълумотга эга бўлмаган. Тор мутахассисликка оид мавзуларда гаплашиш мумкин эмас [21-23].

Шартли равишда барча ҳолат ва жестларни ёпиқ (оёқлар ва қўллар чалиштирилган), ўзини ҳимоя қилиш, носамимийлик, ёмон ниятни англатувчи ҳамда ўз ўзига ишонч, хотиржамлик, мулоқотга мойиллик ва ҳамфирлиликни билдирувчи очик ҳолат ва жестларга ажратиш мумкин.

	<p><b>Очиқ қафталарни сұхбатдошга күрсатилиши, очиқ ҳолатдаги киши.</b> Бундай ҳолат кишининг түғрисүзлиги, самимийligини яққол намойиш этади.</p>
	<p><b>Хужумга ўтиш ҳолати: қўллар чўнтакда, бош бармоқлар ташқарига чиқарилган.</b> Бармоқларнинг намойишкорона ташқа-рига чиқарилиши мазкур кишининг ўзини сұхбатдошдан устун сезаёттан-лигидан далолат беради. Ўз қўл остидаги ходимлар билан сұхбатлашаётган раҳ-барларга хос.</p>
	<p><b>Лидерлик сифатларини яшираётган киши:</b> Қўллар орқада, бош бармоқ ташқарига чиқарилган. Кучли ва ҳатто агрессив кишилар кўпинча шу ҳолатни эгаллайдилар.</p>
	<p><b>Хужумкор ҳолат:</b> қўллар чўнтакда бош бармоқлар ташқарига чиқарилган.</p>
	<p><b>Ўз-ўзига ишонч ва устунлик ҳолати:</b> юқори даражадаги бошлиқлар ва раҳбарлар учун характерлидир.</p>
	<p><b>Химоя ҳолати: Қўллар ва оёқлар чалиштирилган.</b> Нотаниш муҳитга ва бегона одамлар орасига тушиб қолган, ўзига ишончсиз киши ҳолати. Кўпинча бу ҳолатда киши барча тутмалари қадалган, бошқалардан узокроқ масофада туришга ҳаракат қиласи.</p>

	<b>Кўллар чалиштирилишининг яши-рин кўриниши:</b> ўз қўлидан тутиб туриш. Бу ҳолат атрофдагилар билан кўринмас тўсиқ ўрнатадиган ярим ҳимоя ҳолати.
	<b>Амалга ошмаган умидлар вазиятга негатив муносабат:</b> Мазкур жест кишига ўз хотиржамлигини сақлаб туришга имкон беради. Ота-оналар салбий нохуш ва хавфли ҳолатларда болаларнинг қўлидан худди шундай ушлаб олишади.
	<b>Киши қатъий позицияни эгаллаган:</b> Нафақат қўллар чалиштирилган балки, бармоқлар қўл юқорисидан маҳкам тутиб турибди. Ушбу ҳолат кишининг вазиятга бўлган негатив, тушкун муносабатини акс эттиради.
	<b>Кишининг ўзига ишончи йўқ ва чалиштирилган қўллар тўсиғи билан ўзини ҳимоя қиласи.</b> У ўзини сиқилган ҳолатда сезади, мулоқотга ва ўзаро тушунишга интилмайди. Балки, сухбатдош унга ёқмайди ёки уни хафа қилган.
	<b>Яширин асабийлик:</b> Қўллар чалиштирилишининг яширин кўриниши кўпроқ оммавий нутқ сўзлаш чоғида кўпчиликнинг диққат эътибо-рида бўлган кишилар
	<b>Ўзини оқламаган умидлар ва ўз-ўзини назорат ҳолати:</b> Қўл гўё ўзини нотўғри харакатлардан тутиб қолиш мақсадида бошқа қўл билагидан ёки юқорироқдан каттиқ ушлаб туради. Қўл қанчалик юқоридан ушлаган бўлса, кишининг асаби шунчалик таранг бўлади.

	<p><b>Хужумга тайёрлик:</b> Мушт бўлиб тугилган бармоқлар ва чалиштирилган қўллар душманларча муносабатни билдиради. Одатда бу ҳолат тишларнинг бир-бирига жислашиши ва юзнинг қизариши билан бирга кечади. Бу жестдан сўнг киши одатда сўз билан ёки жисмоний ҳамла қилиши кузатилади.</p>
	<p><b>Очиқ кафтлар</b> Қўл жестлари орасида энг мақбули. Очиқлик ҳаққонийлик сухбатдошни тан олиш ва унга ишонч белгисидир.</p>
	<p><b>Кафтлар ўзи томонга қаратилган</b> Янада яқин, чин кўнгилдан бир-бирини тушунишга асосланган муроқотга таклиф. Юракдан чиқаётган сўзлар.</p>
	<p><b>Кескин айлантириувчи қўллар</b> Сухбатдош уни тўғри тушунишларини истаган ҳолда фаол қўл харакатларини амалга оширилади, ўз фикрларини етарли даражада очиқ-ойдин баён этишга ҳаракат қиласди.</p>
	<p><b>Бош ва кўрсаткич бармоқлар бир бирига теккизилган ҳолат</b> Аниқлик, тартиб ва мантиқийлик тарафдори. Насихатгўйлик ва мураббийлик жести. «Окей» жести билан адаштирмаслик лозим.</p>
	<p><b>Кафтлар тепага қараган, бармоқлар ярим букилган</b> Ўзига тортувчи етакчилик, хукмронлик. Вазиятни бошқариш ва устунликка интилиш.</p>
	<p><b>Иккала қўл бармоқларининг бир-бирига чалиштирилган ҳолат</b> Юз олдида қўлларнинг чалиштирилиши оқланмаган умидлар ва ўз салбий муносабатини яширишга</p>

	ҳаракат қилинаётганлигидан далолат беради.
	<b>«Пирамида» жести</b> Үз-үзига ишонч «Мен ҳаммасини биламан» деган маънони билдиради, ўз кўл остидагилар билан гаплашаётган раҳбар ёки бошқаларга йўл-йўриқ кўрсатаётган кишиларга хос ҳаракат.
	<b>Агрессия</b> Кўзойнак устидан қараш кечаётган ходисаларга танқидий муносабатни англатади, суҳбатдошни ҳимояланишга ва ўз-ўзини оқлашга мажбур этади.
	<b>Кўзойнак тутқичини тишлаш</b> Вақтни чўзишга интилиш. Тинчлан-тирувчи жест. Кашандалар бу мақсад-да сигаретадан фойдаланишади, болалар бармоғини сўра бошлади.
	<b>Фикрлаш</b> Чукур мулоҳаза, ўз фикр ва туйғуларига ғарқ бўлиш. Сўнгги қарорни қабул қилиш арафаси.
	<b>Зерикиш</b> Эшитувчи ухлаб қолмаслик учун бошини қўли билан ушлаб туради. Бошнинг кафтга бутунлай суюниб олиши қизиқишининг умуман йўқлигидан далолат беради. Кўпинча бунинг устига бармоқ учлари билан столни тақиллатиш ёки оёқларни қимирлатиш, сабрсизлик, бошқа эшлишини хоҳламасликни намойиш этади. Бармоқлар ярим букилган ҳолда қўлнинг чеккага енгил қўйилиши (бош қўлга суюнмаслиги лозим) ҳақиқий қизиқиш пайдо бўлганлигидан далолат беради.

	<p><b>Танқидий баҳо</b> Эши туувчи томонидан күрсаткич бармоқнинг вертикал ҳолатда чеккага қўйилиши, шу билан бирга бош бармоқ иякни тутиб туриши унинг сўзлаётган кишига ёки умуман ушбу вазиятга танқидий муносабатини билдиради.</p>
	<p><b>Иякни силаш</b> Қарор қабул қилиш жараёни. Агар олдинги баҳолаш (зерикиш, қизиқиш, танқидий баҳо) жестларидан сўнг ўз фикр-мулоҳазасини баён этиш сўралса, иякни силаш жести пайдо бўлади. Бу ҳолатда одамга халақит бермаган ва шошилтирмаган маъқул.</p>
	<p><b>Тамаки тутунини юқорига пуфлаш</b> Агар киши тамаки тутунини юқорига қараб йўналтиrsa, бу нарса унинг ўз ўзига ишониши, кимданdir устунлигини ҳис қилаётганлиги, вазиятни ижобий баҳолаётганлиги каби ижобий ҳис-туйғуларни ҳис этажётганлигидан дарак беради.</p>
	<p><b>Тамаки тутунини пастга пуфлаш</b> Тутуннинг пастга қараб йўналтирилиши, мазкур кишининг салбий эмоцияларни ҳис қилаётганлигидан, вазиятни негатив баҳолаётганлигидан, сиздан бирор-бир нохуш нарсада шубҳаланаётган ёки ўзининг қайсиdir фикрини, мақсадини яширишга ҳаракат қилаётганлигидан дарак беради. Агар киши тамаки тутунини пастга қараб оғиз четидан чиқараётган бўлса, бу унинг вазиятга ўта салбий муносабатда эканлиги ва унинг сир бой бермайдиган киши эканлигини билдиради.</p>

**ХУЛОСА**

Жамиятнинг янги ижтимоий кучларини етиштиришда ўқитувчи масъул ҳисобланади. Жамият ўқитувчининг қўлига ёш авлодни, яъни ўз келажагини ишониб топширади. Унинг камол топишида ўқитувчининг дунёқараси, онги, маданияти, нутқи белгиловчи воситалар саналади. Ўқитувчилик касби юксак маданиятлиликни, инсонпарварликни, байналмилалликни хоҳлади.

Ўқувчиларга таълим ва тарбия беришда муаллимнинг нутқи иши билан теппа-тенг аҳамиятга эга. Зотан, ўқитувчи мутахассисликка оид ишининг йирик бўллагини нутқи орқали амалга оширади. Шунинг учун унинг нутқи ҳамма вақт ғоявий юксак, равон, юмшоқ, дилкаш бўлиши лозим. Нутқда ва ишда субутсизлик ўқитувчи учун нолойикдир. Ҳар бир нутқ болаларнинг ёш хусусиятларини, билими ва тушунчасини назарда тутиб тузилиши шарт. Шу билан бирга, ўқитувчининг нутқи ёш авлод кўз олдида уни ўраб олган моддий ва маънавий дунёнинг янги қирраларини очиб боришни мақсад қилиб қўяди [24, 25].

Амалий тажриба шуни кўрсатадики, ўқитувчиларнинг мулоқот маданиятини шакллантириш билан бир қаторда маҳсус фанларни ўқитишида [26-34] да кўрсатилган янги педагогик технологиялардан фойдаланиш ижобий натижалар беради. Хусусан, бир неча нафар талабалар илмий раҳбарлари билан биргаликда математиканинг биология фанига тадбиқлари ҳақида илмий мақолалар чоп эттирганлар [35-48], шунингдек, умумтаълим мактабларида педагогик устахоналардан ўтиш давомида ўзларини ажralиб турганлар.

Ўқитувчининг нутқи таълим ва тарбия беришнинг асосидир. Ўқитувчининг нутқи имкони борича синтактик жиҳатдан содда, жозибадор, таъсиран тузилиши лозим. Ҳар қандай билим ва тарбия, асосан ўқитувчининг дарс: ҳамда дарсдан ташқари кундалик нутқи орқали бериб борилади. Нутқда, у қандай шаклда бўлмасин, бизнинг қадриятларимиз қаттиқ ҳурмат қилиниши лозим. Педагогик нутқий мулоқотнинг ўзига хослиги ўқитувчининг ҳамма ерда, ҳар қандай шароитда ҳам тарбиячи эканлиги билан характерланади. Педагог ўз тарбияланувчилари билан қўпроқ аудиторияда, дарсда нутқий мулоқотда бўлади. Унинг нутқи илмий-педагогик мазмун касб этади. Бундай нутқда илмнинг турли соҳаларига хос қоидалар, атамалар, хуносалар акс этади. Бундай нутқда ҳар бир нарса ўз ўрнида, меъёрида бўлади. Атамаларга, янги сўзларга берилган изоҳлар содда, ўқитувчи ҳазм қиласиган синтактик қурилмаларда берилади. Қоида ва назариялар ҳаётий, ўқувчига яқин мисоллар билан тушунтирилади.

## REFERENCES

1. Бегматов Э. ва бошқалар. Ўзбек нутқи маданияти очерклари. Т., Фан, 1988 й.
2. Қўнғуров Р. ва бошқалар. Нутқ маданияти ва услубияти асослари. Т., Ўқитувчи, 1992 й.
3. Одилов С.А. «Ўқитувчи нутқи маданияти» фанидан машқлар. Т., Фан, 2007 й.
4. Ergasheva, G. (2022). Quasi-professional activity is the basis of successful professional activity (on the example of a future biology teacher). *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
5. Ergasheva, G. (2022). Stages of formation of professional competence of students. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
6. Ergasheva, G. (2022). Method of improving self-study works of students in biology by means of informational resources. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).

7. Ergasheva, G. (2022). Kompetentli-yo'naltirilgan topshiriqlar(kyt)ning metodik jihatdan qo'llanilishi. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
8. Ergasheva, G. (2022). International programs for assessing the quality of education-a factor in increasing the scientific literacy of students. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
9. Ergasheva, G. (2022). Bo'lajak mutaxassislarning kasbiy-psixologik tayyorgarligining o'ziga xos xususiyatlari. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
10. Ergasheva, G. (2022). Preparing students for research activities based on project technology. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
11. Ergasheva, G. (2022). Respublikamizda kasbga yo'naltirish ishlarini uzbek tashkil etishning pedagogikpsixologik aspektlar. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
12. Ergasheva, G. (2022). Virtual borliq texnologiyasining biologiya ta'limida qo'llash imkoniyatlari. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
13. Ergasheva, G. (2022). Content vocational guidance of pupils in biology lessons. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
14. Ergasheva, G. (2022). Modeling Of Students' Quasi-Professional Activities. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
15. Ergasheva, G. (2022). Biologiya darslarida interaktiv metodlardan foydalanishning psixologik jihatlari. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
16. Ergasheva, G. (2022). Bo'lajak o'qituvchilarning kasbiy-metodik kompetentligi shakllantirishning funksional o'ziga xosligi. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
17. Ergasheva, G. (2022). Methodology for forming basic and special-subject competences of pupils based on an integrative approach. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
18. Ergasheva, G. (2022). Biologiya darslariida multimedya texnologiyasidan foydalaniшнинг методик услублари. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
19. Ergasheva, G. (2022). Подготовки будущих учителей биологии к профессиональной деятельности использованию интерактивных программных средств. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
20. Ergasheva, G. (2022). Методика создания творческих и поисковых заданий по биологии. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
21. Ergasheva, G. (2022). Педагогические аспекты создания фонд оценочных средств профессиональной компетентности обучающихся в цифровой образовательной среде. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
22. Ergasheva, G. (2022). Методы организации научно-исследовательской деятельности студентов в факультете естественных наук ТГПУ. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 23(23).
23. Jo'rayeva, O. (2021). Medikal and food properties of algai. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 1(1).
24. Jo'rayeva, O. (2021). роль фитопланктона в народном хозяйстве. *Центр научных публикаций (buxdu.Uz)*, 1(1).
25. Kholliev A. E., Jurayeva O. T. 2021. Ecophysiological properties of white oats. *Conferencea*. (Nov. 2021), 50–52.

26. Расулов Х.Р., Собиров С.Ж. Модуль катнашган баъзи тенглама, тенгиззлик ва тенгламалар системаларини ечиш йўллари // Science and Education, scientific journal, 2:9 (2021), р.7-20.
27. Расулов Х.Р., Собиров С.Ж. Айрим рационал тенгламаларни ечишда интерфаол усувларни қўлланилиши ҳақида // Science and Education, scientific journal, 2:10 (2021), р. 586-595.
28. Расулов Х.Р., Собиров С.Ж. Айрим иррационал тенгламаларни ечишда интерфаол усувларни қўлланилиши // Science and Education, scientific journal, 2:10 (2021), р.596-607.
29. Расулов Х.Р., Рашидов А.Ш. Организация практического занятия на основе инновационных технологий на уроках математики // Наука, техника и образование, 72:8 (2020) с.29-32.
30. Rasulov X.R. Qualitative analysis of strictly non-Volterra quadratic dynamical systems with continuous time // arXiv e-prints, 2022, arXiv: 2211.06186.
31. Расулов Х.Р. О некоторых символах математического анализа // Science and Education, scientific journal, 2:11 (2021), р.66-77.
32. Расулов Х.Р. О понятие асимптотического разложения и ее некоторые применения // Science and Education, scientific journal, 2:11 (2021), pp.77-88.
33. Xaydar R. Rasulov. On the solvability of a boundary value problem for a quasilinear equation of mixed type with two degeneration lines // Journal of Physics: Conference Series 2070 012002 (2021), pp.1–11.
34. Rasulov Kh.R. (2018). On a continuous time F - quadratic dynamical system // Uzbek Mathematical Journal, №4, pp.126-131.
35. Расулов Х.Р., Раупова М.Х. Роль математики в биологических науках // Проблемы педагогики, № 53:2 (2021), с. 7-10.
36. Расулов Х.Р., Раупова М.Х. Математические модели и законы в биологии // Scientific progress, 2:2 (2021), р.870-879.
37. Расулов Х.Р., Раупова М.Х. Яшиева Ф.Ю. Икки жинсли популяция ва унинг математик модели ҳақида // Science and Education, scientific journal, 2:10 (2021), р.81-96.
38. Расулов Х.Р., Камариддинова Ш.Р. Об анализе некоторых невольтерровских динамических систем с непрерывным временем // Наука, техника и образование, 77:2-2 (2021) с.27-30.
39. Rasulov X.R., Qamariddinova Sh.R. Ayrim dinamik sistemalarning tahlili haqida // Scientific progress, 2:1 (2021), p.448-454.
40. Расулов Х.Р., Джуракулова Ф.М. Об одной динамической системе с не-прерывным временем // Наука, техника и образование, 77:2-2 (2021) с. 19-22.
41. Расулов Х.Р., Ф.М. Джуракулова (2021). Баъзи динамик системаларнинг сонли ечимлари ҳақида // Scientific progress. 2:1, 455-462 бетлар.
42. Расулов Х.Р., Рашидов А.Ш. О существовании обобщенного решения краевой задачи для нелинейного уравнения смешанного типа // Вестник науки и образования, 97:19-1 (2020), С. 6-9.

43. Расулов Х.Р., Яшиева Ф.Ю. О некоторых вольтерровских квадратичных стохастических операторах двуполой популяции с непрерывным временем // Наука, техника и образование, 77:2-2 (2021) с.23-26.
44. Расулов Х.Р., Яшиева Ф.Ю. Об одном квадратично стохастическом операторе с непрерывным временем // «The XXI Century Skills for Professional Activity» International Scientific-Practical Conference, Tashkent, mart 2021 y., p.145-146.
45. Расулов Х.Р., Камариддинова Ш.Р. Об одной динамической системе с непрерывным временем // «The XXI Century Skills for Professional Activity» International Scientific-Practical Conference, Tashkent, mart 2021 y., p.115-116.
46. Расулов Х.Р., Яшиева Ф.Ю. Икки жинсли популяциянинг динамикаси ҳақида // Scientific progress, 2:1 (2021), p.665-672.
47. Rasulov X.R., Sayfullayeva Sh.Sh. Ikkita buzilish chizig'iga ega giperbolik tipdagi tenglama uchun Koshi masalasi haqida // «Zamonaviy ta'lim tizimini rivojlantirish va unga qaratilgan kreativ g'oyalar, takliflar va yechimlar», 35-sonli Respublika ilmiy-amaliy on-line konferensiyasi, 2022, 192-195 b.
48. Rasulov X.R., Sayfullayeva Sh.Sh. (2022) Ikkita buzilish chizig'iga ega kvazichiziqli elliptic tenglama uchun chegaraviy masala haqida // Central Asian Academic Journal Of Scientific Research, 2(5), 544-557 b.